

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**« КЕЛИШИЛГАН »**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлиги



2019 йил

**« ТАСДИҚЛАЙМАН »**

ТошДШИ ректори  
Ф.Ф.в. Г.Ш.Рихоева



2019 йил

**МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА МАГИСТРАТУРАГА  
КИРИШ СИНОВИ ДАСТУРЛАРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

- 5A120101 Адабиётшунослик (шарқ тиллари)
- 5A120102 Лингвистика (шарқ тиллари)
- 5A120103 Мумтоз филология (турлари бўйича)
- 5A120104 Матншунослик ва адабий манбашунослик
- 5A120201 Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (шарқ тиллари)
- 5A120202 – Синхрон таржима (шарқ тиллари)
- 5A120302 Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
- 5A120304 Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича)
- 5A120701 Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати
- 5A120801 Шарқ фалсафаси ва маданияти
- 5A231001 Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)
- 5A231102 Ташқи иқтисодий фаолият (соҳалар ва фаолият йўналишлари бўйича)

Мутахассисликлари учун

**Тошкент 2019**

## **5A120101 – АДАБИЁТШУНОСЛИК (шарқ тиллари)**

**Т у з у в ч и л а р:** Мухиддинова Д.З. – “Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти” кафедрасининг мудирини, филология фанлар докторини.

**Т а қ р и з ч и л а р:** Ходжаева Р.У. –ХШМА кафедраси профессори, ф.ф.д.

**Тилавов А.** –ф.ф.н, Ўзбекистон миллий университети доценти

### **КИРИШ**

Мазкур дастур магистратуранинг “Адабиётшунослик” (шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишлари) мутахассислигига қабул имтиҳонларини топшириш бўйича тузилган бўлиб, унда талаба бакалавриятда тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти бўйича олган билимлари асосида “Мамлакат адабиётшунослиги” мутахассислигига мўлжалланган қабул имтиҳонлари саволлари ҳамда уларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Дастур ўқитувчи учун ҳам, кирувчи талаба учун ҳам йўриқнома сифатида хизмат қилади ва талабанинг танлаган мутахассислиги бўйича билимларининг натижалари нимадан иборат эканлигини намойиш этади.

#### **Дастурнинг мақсад ва вазифалари**

Дастур қабул имтиҳонларини ташкил этишнинг расмий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унинг асосий **мақсади**

- Тўрт йиллик таълим жараёнида талаба эришиши лозим бўлган малака, кўникма ва билимлар даражасини аниқлаш, бакалавр даражасини олган мутахассиснинг давлат таълим стандартларида қўйилган талабларга қай даражада жавоб бера олиши, мутахассислиги бўйича эгаллаган назарий ва амалий билимларини ҳаққоний баҳолашдан иборат.
- Қабул имтиҳони давлат хайъатининг **вазифаси** – бакалавр битирувчисининг шарқ адабиётшунослиги, хусусан ўрганаётган мамлакат адабиёти бўйича эгаллаган билимларини чуқурлаштиришга лайоқатлилигини синовдан ўтказишдир.

#### **Давлат қабул имтиҳонлари бўйича талабалар билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

Давлат қабул имтиҳонларини топшириш учун бакалавр битирувчиси:

- адабиётшуносликнинг назарий масалалари, ўрганаётган мамлакат адабиётининг ривожланиш тарихи, мамлакат адабиёти бўйича адабиётларнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режасида тасдиқланган махсус курслар бўйича, хусусан, мамлакат адабиётига бўлган ташқи таъсирлар ва уларнинг натижалари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши:**
- мамлакат адабиётидаги назм ва насрнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, уларнинг вакилларининг ижоди, бадиий асарларни тилда ўқиш ва уларни бадиий таҳлил қилиш каби масалаларга **мустақил ёндоша олиш:**
- Алоҳида олинган адибларнинг ижоди ёки маълум бир адабий давр ёки жараёни мустақил таҳлил қила олиш ва хулосалар бера олиш **малака ва кўникмасига эга бўлишлари лозим/**

#### **Давлат қабул имтиҳонларига киритилган фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Ўрганаётган мамлакат адабиёти бўйича давлат қабул имтиҳонини топшириш учун талаба ўқув режасига киритилган умуммутахассисликнинг интеграллашган курслари ва барча махсус курслар (Адабиётшуносликка кириш ва Адабиёт назарияси, Тили ўрганилаётган

мамлакат адабиёти ва драматургияси ҳамда бошқа турли махсус курслар) бўйича чуқур билим ва кўникамага эга бўлиши лозим.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Давлат қабул имтиҳонларига киритилган саволлар мазмуни**

#### **I Блок саволлари**

Биринчи блок саволларига талабанинг бакалаврият ўқув режасида тахсил олган предметлари, хусусан, Адабиётшуносликка кириш ёки Адабиёт назарияси курсларида ўтилган мавзулар доирасида саволлар киритилади. Жумладан, Адабий турлар ва жанрлар, бадиий асарни ўрганиш, лирик тур ва унинг жанрлари, драматик тур жанрларининг белгилари ва тараққиёти, адабий мактаблар, йўналишлар ва оқимлар, сюжет ва унинг турлари, бадиий асарни ўрганиш, бадиий асар композицияси, поэтика, бадиий асарда шакл ва мазмун, бадиий асарларда назарий қарашлар ва бошқалар.

#### **II Блок саволлари**

Иккинчи блок саволарига тили ўрганилаётган мамлакат адабиётининг қадим ва ўрта асрлар даврига оид бўлиб, унда миллий адабиётларда оғзаки ижод ва қадимий ёзма ёдгорликлар. Адабиёт ривожининг ўрта асрлар даври ва шу давр адабиётининг наср ва назмда ижод этган вакиллари ижоди, ўрта асрларга хос адабий жараёнлар тавсифи каби саволлардан ташкил топади.

#### **III Блок саволлари**

Учинчи блок саволлари миллий адабиётлар ривожининг замонавий даври, адабиётларга ташқи таъсирлар, хусусан ғарб таъсири ва бу таъсир натижасида шаклланган янги адабий жараёнлар, янги жанр, сюжет ва образлар мавжуда бўлган асарлар шу давр адибларининг ижоди мисолида ёритиб берилиши талаб этилади. Миллий адабиётлар ривожининг энг янги даври билан боғлиқ бўлиб, унда энг янги давр (XX аср охири ва XXI аср биринчи 10 йиллиги) даври ҳақида, бу даврда адабий жараёнларда шакланган янги адабий оқимлар ва йўналишлар, уларнинг вакиллари ижоди, бадиий асарлари, бу даврда шарқ халқлари адабиётига бўлган ташқи таъсирлар, хусусан ғарб таъсири ва бу таъсир натижасида шаклланган янги адабий асарлар, янги жанр, сюжет ва образлар мавжуд бўлган асарлар шу давр адибларининг ижоди мисолида ёритиб берилиши талаб этилади.

### **Давлат қабул имтиҳонларини уюштириш бўйича кўрсатма ва йўлланмалар**

Давлат қабул имтиҳонларини ўтказишда тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти (қадим, ўрта асрлар ва янги давр адабиёти).

#### **Давлат қабул имтиҳонларига киритилиши мумкин бўлган таҳминий мавзулар:**

Шарқ мамлакатлари адабиётида адабий танқид ва назарий қарашларнинг шаклланиш асослари. Шарқ мумтоз давр адабиётининг ўзига хос хусусиятлари (назм ва насрга оид жанрлар ва турлар). Шарқ мамлакатлари адабиётида наср. Шарқ мамлакатлари адабиётида шеърый тизимлар. Шарқ мамлакатлари адабиётида адабий алоқалар, таъсир ва ўзаро таъсир масалалари. Шарқ мамлакатлари адабиётида адабий оқимлар ва йўналишлар, уларнинг адабий мероси. Шарқ мамлакатлари адабиётига Ғарб таъсири. Шарқ мамлакатлари адабиёти драматургияси. Мумтоз давр адабиёти вакиллари ижодида тасаввуфий қарашлар. Замонавий давр адабиётида модернизм, постмодернизм, неореалистик ва сюрреалистик қарашлар. Мумтоз давр адабиётининг образлар тизими. Янги давр адабиётининг образлар тизими. Тил ва бадиий тил масалалари. Мумтоз давр жанрлар тизими. Янги давр жанрлар тизими

Ўрганилаётган мамлакат адабиёти ривожидида фольклор давр. Ўрганилаётган мамлакат адабиётида ёзма адабиётнинг шаклланиши. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти қадимий ёзма ёдгорликлар ва уларнинг тавсифи. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти ривожидида даврлаштириш масаласи. Ўрганилаётган мамлакат адабиётининг қадимий давр ёдгорликлари. Ўрганилаётган мамлакат адабиётининг ўрта асрларга оид ёдгорликлари. Ўрганилаётган

мамлакат адабиётида биринчи роман. Ўрганилаётган мамлакат адабиётида ҳикоя (новелла) жанрининг шаклланиши. Ўрганилаётган мамлакат адабиётига Ғарб таъсири масаласи. Ўрганилаётган мамлакат адабиётида тасаввуфий қарашлар.

**Давлат қабул имтиҳонларини уюштиришда  
фойдаланиладиган адабиётлар  
Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар**

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор, маънавиятга, келажакка эътибор. Тошкент, 2009.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. Тошкент, 1993.
3. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” – Т., “Ўзбекистон” – 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамыз” – Т., “Ўзбекистон” – 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” – Т., “Ўзбекистон” – 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. “Еркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз” – Т., “Ўзбекистон” – 2016.
7. Аҳмедова Ш. Қувайт адибалари ижоди. Т. 2015.
8. Адабий тур ва жанрлар. Тошкент, 1992.
9. Акбарова М. – Янги давр араб адабиёти (XIX-XX асрлар). Тошкент, 2009.
10. Алимбеков А. Турк адабиёти тарихи хрестоматияси. Тошкент, 1990.
11. Алимбеков А. Турк адабиёти. Тошкент, 2014.
12. Афғон халқ шеърятидан намуналар. Тузувчи А.Маннонов. Тошкент, 2012.
13. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т.: Ўзбекистон, 2002.
14. Зиёвуддинова М. – Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. Тошкент, 2001.
15. Зиявуддинова М. Мумтоз араб адабиёти. Тошкент, 2012.
16. Зиявуддинова М. Араб адабиёти. Тошкент, 2014.
17. Гулямов И. - Литература Японии. Тошкент, 2009
18. Иномхўжаев Р.- Афғонистон маърифатпарварлик адабиёти очерклари. Тошкент, 1999.
19. Иномходжаев. Р. Тюрко-персидское двуязычие в литературной жизни Индии XVI в. Тошкент, 1993.
20. Иномхўжаев Р. Махмуд Тарзий ва Афғон маърифатпарварлик адабиёти. Тошкент, 2004.
21. Имомназаров М. - Мумтоз форс адабиёти. Тошкент, 2012.
22. Имомназаров М. X-XV асрлар Форс мумтоз шеърятини. Тошкент, 2013.
23. Ким В.Н., Сайдазимова У.Т., Пак И., Эм А. Литература страны изучаемого языка (Корея). Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.
24. Насимова С. Литература и поэтика древнего Китая. Тошкент, 2009
25. Маннанов А. - Замонавий Афғон адабиёти. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2009.
26. Маннанов А. Рошанийская литература. Т., Фан, 2006.
27. Маннонов А.- Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёти тарихи. Тошкент, 2001
28. Маннанов А. Замонавий Афғон адабиёти. Тошкент, 2013.
29. Муҳибова У.У. - Бхакти адабиёти. Тошкент, 2009.
30. Муҳибова У.У. - Жанубий Ҳиндистон адабиёти. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2009
31. Муҳибова У.У. – Ҳинд адабиёти (қадим ва ўрта асрлар). Тошкент, 2008.
32. Муҳибова У.У. Индийская агиографическая литература. Тошкент, 2008
33. Мухтаров Т.А., Ходжаева Р.У. Традиция и современность (Из истории арабской литературы). Учебное пособие. Тошкент, 1999.
34. Мухтаров Т.А. Жанры средневековой арабской прозы (Макамы). Тошкент, 2006.
35. Мухтаров Т.А. Арабский фольклор. Тапшкент, 2012.

36. Назаров Б.- Ислом агиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадиий-услубий хусусиятлари. Тошкент, 2007.
37. Назаров Б.- Тасаввуф адабиёти жанрлари. Тошкент, 2009.
38. Очилов О. Хитой фольклори. Тошкент, 2012.
39. Сайдазимова У.Т. Поэтика корейской поэзии. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.
40. Сайдазимова У.Т. Классик Корейс шеърляри антологияси. Тошкент, 2013.
41. Сайдазимова У. Классик корейс насри. Хрестоматия. Тошкент, 2014.
42. Сайдазимова У. Корейс адабиёти. Тошкент, 2014.
43. Сотиболдиева С.Р. - Эрон адабиёти (XVI-XX асрнинг 50-йиллари). Ўқув қўлланма. Тошкент, 2009.
44. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Тошкент, 2001.
45. Ходжаева Р. - Миср адабиётида “Янги мавж” оқими. Тошкент, 2010.
46. Ходжаева Р.У. Мамлюклар даври адабиёти. Тошкент, 2013.
47. Ходжаева Т.А. Ҳиндистон халқлари адабиёти Тошкент, 2010.
48. Ходжаева Т.А. Ўзбекистон ва Ҳиндистон адабий алоқалари тарихидан.(монография). Тошкент, 2010.
49. Ходжаева Т.А. Пенжабская литература. Тошкент, 2007.
50. Ходжаева Т.А. Панжоб адабиёти. Тошкент, 2014.
51. Ходжаева Т.А. Из истории газели урду. Тошкент, 2014.
52. Қорабоев С. Хайбар адабий мактаби. Тошкент, 2014.
53. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, 2004.
54. Умунов Ҳ. Бадиий ижод асослари. Тошкент, 2001.
55. Умунов Н. Адабиёт назарияси. Т.: Шарқ, 2002.
56. Умунов Ҳ. Қахрамоннинг маънавий олами ва эпиклик. Тошкент, 1995
57. Шабанов Ж. Турк адабиётидан намуналар. Тошкент, 1995.
58. Юлдашева С., Сотиболдиева С. Эрон адабиёти (XVI-XX асрнинг 50-йиллари). Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Афғон шоирлари. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи А. Ғаниев. Т., 1974.
2. Афғон халқ эртаклари. Тўпловчи А. Ғаниев. 2-нашри. Т., 1986.
3. Ахмет Кабаклы. Турк адабиёти (5 жилдлик) Истамбул. 1991.
4. Новая история Индии. М., 1996.
5. Караали ўғли. С.К. Турк адабиёти тарихи. (5 жилдлик). Истамбул, 1995
6. Серебряков И.Д. Океан сказанный Сомадёвы М.,1989
7. Современный египетский рассказ. М.,1988
8. Скоробогатов В.С. Алжирская народная поэзия. М.,1987

#### **Интернет сайтлари:**

[www.lgz.ru](http://www.lgz.ru).  
[china.kulirhki.net](http://china.kulirhki.net).  
[kitairu.net](http://kitairu.net).  
[china.worlds.ru](http://china.worlds.ru).  
[kitaigorod.narod.ru](http://kitaigorod.narod.ru).  
<http://dir1.bigfeed.ru>  
[www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru)  
<http://books.26.ru>

**Тузувчилар:** А.Куронбеков - ТошДШИ Эрон-афғон филологияси кафедраси профессори, ф.ф.д.

**Х.Алимова** - ТошДШИ Эрон-афғон филологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.

**Такризчилар:** Воҳидов А. - ТошДШИ Эрон-афғон филологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.

**Арипов З.** - Ўзбекистон давлат консерваторияси мусикий шарқшунослик кафедраси профессори, ф.ф.н.

## КИРИШ

Ушбу дастур асосий хорижий тиллар сифатида ўқитилаётган асосий шарқ тилининг долзарб муаммолари фани бўйича бўлган ҳолда ушбу тилларни тадқиқ этишда муаммоли масалалар, уларнинг структураси, тил яруслари, лисон ва нутқ масалаларини ўрганишдаги манзарали қарашлар хусусида маълумотларни қамраб олади. Шунингдек, республикамиздаги ижтимоий – маънавий ислоҳотлар натижаларининг шу фан муаммолари ечимига бўлган таъсири масалалари ҳам қамраб олинади.

### Асосий қисм

#### **Асосий хорижий тилни тадқиқ этишнинг асосий методлари**

Асосий хориж тилни тадқиқ этишнинг асосий методлари ва методологияси масалалари, синтез ва анализ тушунчалари, компонент ва қиёсий таҳлил ҳамда характереологик таҳлил тушунчаларига изоҳ ва шунингдек, синхрон ва диахрон аспектдаги тадқиқотлар масалалари ва тадқиқ этиш усулларининг тасниф ва тавсифлари ўргатилиниши назарда тутилган.

#### **Асосий хорижий тилнинг фонетик тизими масалалари**

Ушбу маъруза доирасида хорижий тилнинг фонетикаси ва фонологиясига оид қарашлар, унли ва ундошлар таснифи масалалари, асосий хорижий тилдаги фонетик ўзгаришлар турлари, уларнинг намоён бўлиш йўллари, олдфонология тамойилларига оид масалалар тадқиқ этилади.

#### **Асосий хорижий тилнинг морфемик ва морфологик сатҳлари**

Асосий хорижий тилнинг морфемик ва морфологик белгилари, морфемика ва морфология тушунчалари, асосий хорижий тилдаги аффикслар спецификаси ва бу борадаги ёндашувлар акс эттирилади.

#### **Асосий хорижий тилдаги сўз туркумларини таснифлашнинг асосий тамойиллари**

Бунда мавзуга дахлдор аҳамиятли илмий ишлар таҳлили, сўз туркумларининг таснифлашдаги асосий ёндашувларнинг юзага келиш сабаблари ўрганилади. Улар турли хил илмий асарларга асосланган ҳолда тадқиқ этилади.

#### **Асосий хорижий тилдаги мустақил сўз туркумларининг таснифлаш хусусиятлари**

Бунда мустақил сўз туркуми қаторига мансуб бўлган от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш каби сўз туркумларига хос хусусиятлар атрофлича ўрганилади. Уларга хос асосий белгилар ва шунингдек, мустақил сўз туркумларига доир асосий муаммоли масалалар таҳлил этилади.

#### **Ёрдамчи сўз туркумларига оид қарашлар**

Ёрдамчи сўз туркумларининг тадқиқига оид илмий ишлар, сўз туркумларини таҳлил этишдаги асосий ёндашув типлари, жумладан, морфологик, лексик, структур, функционал, синтактик, стилистик таҳлиллар, майдон назарияси каби масалалар атрофлича ўрганилади.

#### **Асосий хорижий тил лексикологияси, лугатшунослиги, стилистика масалалари**

Ушбу доирада лексикологияси, луғатшунослиги, стилистика тушунчалари, сўзнинг бош ва кўчма маънолари, маъно тараққиёт усуллари масалалари, омонимия, синонимия ходисалари, мавзуга дахлдор ишлар таҳлили олиб борилиши назарда тутилади.

Стилистика, асосий шарқ тилининг стилистик жиҳатлари ўрганилади.

Атамашунослик доирасида эса, асосий шарқ тилидаги тилшунослик атамалари, атамашунослик тарихи, ҳозирги замон асосий шарқ тилида атамашунослик ҳолати тадқиқ этилади.

### **Асосий хорижий тилдаги синтактик қурилмалар (конструкциялар)**

Асосий хорижий тилнинг синтактик қурилишига оид умумий маълумотлар, синтактик қурилмалар, сўз бирикмаси, синтактик бирликлар, гапни таснифлаш тамойиллари, асосий синтактик бирликнинг тузилишига кўра типлари, содда гап, қўшма гаплар, гап турларини шакллантирувчи грамматик воситалар таҳлили тадқиқ этилиб, атрофлича ўрганилади.

### **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва қўлланмалар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Мухамедова Н.А. Теоретическая грамматика персидского языка. – Т.: ТашГИВ, 1994.
2. Қуронбеков А. Форс тили лексикологияси. – Т.: ТошДШИ, 2009.
3. Основы иранского языкознания. Новоиранские языки: западная группа, прикаспийские языки. – М.: Наука, 1982.
4. Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. - М., 2001
5. Алпатов В. М. «Структура грамматических единиц в современном японском языке» М.: Наука, 1979. — 150 с.
6. Алпатов В. М. Япония. Язык и общество. М.: Наука, 1988. — 136 с.
7. Басс И. «Проблемы современного японского языкознания лингвистика текста» Санкт-Петербург 2004
8. Вардуль И. Ф. «Основы описательной лингвистики» М.: Наука, 1977. —352 с.
9. Жукова И.В. «Стилистика японского языка»
10. Маевский. Е.В. «Графическая стилистика японского языка» Москва 2000
11. やさしい倫理的思考トレーニング アルク 2009
12. 上級から学ぶ日本語 研究者2003
13. 世界一やさしい論理トーク練習帖」大和出版社 2009
14. 「外国語で発想するための日本語レッスン」白水社 2006
15. Алимджанова З. «Арабская лексикология» Т.2010 г.
16. Белкин В.М. «Арабская лексикология» М. 1975 г.
17. Гранде Б. «Курс арабской грамматики в сравнительно- историческом освещении» М.1998 г.
18. Иброҳимов Н., Юсупов М. “Араб тили грамматикаси” Т.2007 й.
19. Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш «Учебник арабского языка» М.1998 г.
20. Мишкуров, А. Раупова «Морфологический строй современного арабского языка» Т.1992 г.
21. Холидов Б.З. «Учебник арабского языка» Т.1964 г.
22. И Ик Соп. Корейское языкознание. Сингу мунхва.2004.
23. Им Хо Бин. Грамматика корейского языка для иностранцев. Сеул.1999.
24. Канг Ок Ми. Фонетика корейского языка. Сеул. 2003г.
25. Ким Фил. Современная грамматика корейского языка. Алма-Ата, 2002.
26. Ко Ен Гин Грамматика и тесты. 2002.
27. Ко Ен Гин Грамматика и тесты. 2002.
28. Чве Менг Ок. Фонология корейского языка. Универ. Сеул.2004г.
29. Каримов А.А. Хитой тилининг асосий грамматик бирликлари. Т., 2001 й.

29. Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изохли луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1985 й.
30. Амирханова Т.А. История языкознания. – М.: Академия, 2003
31. Баранов А. Н. Введение в прикладную лингвистику. – М.: УРСС, 2003. – 358 с.
32. Берёзин Ф. М. История лингвистических учений. – М.: Высшая школа, 1984. – 318 с.
33. Ван Ляо И. Основы китайской грамматики. М., 1954 г.
34. Горелов В.И. Лексикология китайского языка. - М., Просвещение. 1984г. 216 стр.
35. Драгунов А.А. Исследования по грамматике современного китайского языка. Ленинград, 1962
36. Драгунов А.А. Грамматическая система разговорного китайского языка. Ленинград, 1962
37. Иванов В.В. Терминология и заимствования в СКЯ. 1986
38. Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. М., 196
39. Никитина С.Е. Семантический анализ языка науки. М., 1987
40. Реформатский А.А. Введение в языкознание.
41. Семенов А.Л. Лексика китайского языка. - М. Муравей. 2000 г. 312 стр.
42. Хашимова С.А., Носирова С.А. Хитой тили грамматикаси. – Т. 2012.
43. Камтапрасад Гуру. Хинди व्याкаран. - Варанаси, 2001.
44. Ражендра Моҳан Бхатнагар. Адхуник хинди व्याкаран. - Нью-Дели, 2000.
45. Баранников А.П. Хиндустанни (хинди и урду). – М., 2000.
46. Дымшиц З.М. Грамматика языка хинди. – М., 2001

#### **Қўшимча адабиётлар рўйхати:**

1. Ветвицкий В. Г., Иванова В. Ф., Моисеев А. И. Современное русское письмо. Пособие для учителей. - М.: Просвещение, 1974. — 144 с.
2. Волков А. А. Грамматология. Семиотика письменной речи. - М.: Издательство МГУ, 1982. - 176 с.
3. Головин И. В. Введение в синтаксис современного японского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1979. - 376 с.
4. Горегляд В. Н. Рукописная книга в культуре Японии. // Рукописная книга в культуре народов Востока. (Очерки.) Книга вторая. М.: Наука, 1988, с. 223-270.
5. Дьяконов П. И. «О письменности» – Предисловие к книге: Дирингер Д. Алфавит. - М., Изд-во иностранной литературы, 1963, с. 5—25.
6. Белкин В.М. “Общие тенденции развития арабской научна-технической терминологии в послевоенный период”. Развитие языков в странах зарубежного Востока (послевоенный период). - М., “Наука”, 1983 г.
7. Белова А.Г. “Введение в арабскую филологию”. - М., 2003 г.
8. Виноградов В.В. Об омонимии и смежных явлениях. - М., 1960 г.
9. Губанов Ю.П. О проблемах создания арабской терминологии. “Социолингвистические проблемы развивающихся стран” - М., “Наука”, 1975 г. Вестник центра корейского языка и культуры. - С.Петербург. 1996.
10. Материалы 5 –й международной конференции по корееведению.
11. Материалы 6-й международной конференции по корееведению.
12. Материалы международной научной конференции по корееведению. (31.03. -01.04.) - Т., 2006.
13. Нам Ги Сим. Теория грамматики корейского языка. Сеул. 1985 Поляков К.И. Персидская фонетика. Опыт системного исследования. - М., 1988.
14. Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973.
15. Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. - М.: Изд. МГУ, 1975. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. - Т., 2003-2004. 1-3 қисмлар.
16. Липеровский В.П. Именные части речи в хинди. – М., 1978. Липеровский В.П. Глагол в языке хинди. - М., 1985.
17. Бархударов А.С. Словообразование в хинди. - М., 1963



## **5A120103 – МУМТОЗ ФИЛОЛОГИЯ (турлари бўйича)**

**Т у з у в ч и:** Қ.П. Содиқов - ТошДШИ Мумтоз филология кафедраси профессори, фил.ф.д.

**Т а қ р и з ч и л а р:** З. Орипов - Ўзбекистон давлат консерваторияси музикант шарқшунослик кафедраси профессори, ф.ф.н.

**О. Жўрабоев** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

### **КИРИШ**

Мазкур дастур Тошкент давлат шарқшунослик институти 5A120103 - Мумтоз филология (турлари бўйича) йўналиши бўйича таълим олаётган магистрларнинг мутахассислик фанларидан давлат аттестацияси дастуридир.

Тошкент давлат шарқшунослик институти қошида мумтоз филология мутахассислиги бўйича магистратура очилган. Ушбу йўналишда шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз филологияси бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ўтмишдан қолган ёзма меросни ўрганишга эҳтиёж кучайган ҳозирги замонда мумтоз филология мутахассисларига талаб янада ошмоқда.

Ушбу соҳа мумтоз матнларни ўрганиш ва уларни нашрга тайёрлаш, мумтоз матнларнинг тил ўзгачаликлари, мумтоз асарларнинг бадиий хусусиятлари билан боғлиқ назарий масалаларни қамраб олади.

### **Асосий қисм**

Кириш. “Мумтоз филология” тушунчаси ва унинг назарий асосланиши. Йўналишнинг ўрганиш доираси ва йўналишлари. Унинг бошқа фанлар билан алоқаси.

#### **Мумтоз матнларни ўрганиш ва уларни нашрга тайёрлаш билан боғлиқ назарий масалалар**

Текстология ва унинг тармоқлари. Матн тузиш аънаналарининг юзага келиши ва тарихий тараққиёти. Матнни манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш.

Мумтоз матнларни нашрга тайёрлашнинг илмий принциплари. Асарни асл манбадан ўқиш ва уни ҳозирги ёзувларга ўгириш. Транскрипция ва илмий транслитерация. Уларнинг танланиш принциплари. Илмий-танқидий, йиғма матнлар тузиш йўллари. Илмий нашрларда матн тилини сақлаш. Оммавий нашр масаласи.

Матншуносликнинг ёрдамчи соҳалари. Сфрагистика. Эпиграфика. Нумизматика. Палеография. Классик матнларни ўрганишда бу соҳаларнинг тутган ўрни.

Классик матнни тавсифлаш усуллари. Қўлёзмаларни бирламчи ва монографик планда тавсифлаш.

#### **Мумтоз матнларнинг тил хусусиятлари билан боғлиқ назарий масалалар**

Мумтоз матнларни ўрганиш методологияси. Мумтоз асарларни тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш. Матн тили ва унинг адабий тил тарихини ўрганишдаги ўрни. Матн тилини тарихий-қиёсий аспектда ўрганиш. Матн тилини ўрганишнинг назарий масалалари. Матн услуби масалалари. Тилшуносликда ва шарқшуносликда шакланган илғор метод ва усуллар. Улардан фойдаланишнинг оптимал йўли.

Асар қўлёзма нусхаларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш. Нусхалар ўртасида юзага келган текстологик фарқларни, матн тили билан боғлиқ юзага келган ўзгаришларни қўлёзма кўчирилган давр тили нуқтаи назаридан таҳлил қилиш.

Асарнинг тил ва услубий ўзгачалиklarини белгиловчи бирликларни аниқлай билиш ва уларни таҳлил этиш. Асарнинг фонетик хусусиятлари билан боғлиқ масалалар. Асарнинг лексик-семантик хусусияти билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечими. Асарнинг морфологик ўзгачалиги билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечими. Асарнинг синтактик-стилистик хусусияти билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечими.

Классик матн тили ва ҳозирги жонли тиллар муносабати масаласи.

### **Мумтоз асарларнинг бадиий хусусиятлари билан боғлиқ назарий масалалар.**

Бадиий матн тушунчаси. Матн поэтикаси. Поэтиканинг назарий масалалари. Классик тур ва жанрлар. Классик жанрларнинг ўтмишда қўлланилган атамалари. Ўтмиш адабиётшунослиги. Унинг метод ва ёндашувлари. Ҳозирги адабиётшунослик, унинг метод ва йўналишлари. Ҳозирги замон адабиётшунослигида классик матнларни ўрганиш билан боғлиқ ҳолда юзага келган назарий масалалар.

Ўтмишда яратилган бадиий асарларни тарихий даврлар нуктаи назаридан ўрганиш. Адабиёт тарихини даврлаштириш масаласи.

Халқ оғзаки ижодининг энг эски намуналари, уларнинг манбалари. Халқ оғзаки ижоди жанрлари ва уларнинг назарий масалалари.

Ёзма адабиёт ва унинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ масалалар. Ёзма адабиётнинг классик босқичи. Классик адабиёт тушунчаси. Унинг муҳим белгилари.

Мумтоз адабиётни илк манбалар, асар қўлёзмалари, тарихий асарлар, тазкиралар, ўша даврларда яшаб ўтган олим ва шоирларнинг маълумотлари асосида ўрганиш.

Мумтоз матнларни жанр хусусиятларига кўра ўрганиш.

Девон тузиш анъаналари.

Шарқ адабиётида хамсачилик анъаналари.

Фалсафий дostonлар. Қаҳрамонлик дostonлари.

Адабиёт тарихида тазкирачилик анъаналари.

Тарихий-бадиий асарлар.

Эпистоляр жанр ва унинг бадиий ўзгачалиги.

Классик адабиётда анъанавийлик ва унинг назарий масалалари.

### **Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари**

1. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент, 1982.
2. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент, 1984.
3. Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. Тошкент, 1994.
4. Раҳмонов Н., Содиқов Қ. О'збек тили тарихи. Тошкент, 2009.
5. Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2006.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Баскаков Н.А. Историко-типологическая фонология тюркских языков. М., 1988.
2. Благова Г.Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. М., 1982.
3. Исҳоқов М., Содиқов Қ. Омонов Қ. Мангу битиглар. Тошкент, 2009.
4. Кононов А.Н. Грамматика тюркских рунических памятников VIII-XI вв.. Л., 1980.
5. Маҳмудов Қ. XIII–XIV аср туркий ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. Тошкент, 1990.
6. Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. Тошкент, 2004.
7. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика. М., 1984.
8. Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Тошкент, 2004.
9. Содиқов Қ. Эски турк фалсафаси. Тошкент, 2008.
10. Содиқов Қ. Эски туркий ёзувлар. Тошкент, 2008.
11. Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. Тошкент, 2009.
12. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. Л., 1970.
13. Eckmann, Jonas. Harezmi, Kırçak ve Çağatay Türkçesi Üzerine Araştırmalar. Yayınımaz Hazırlayan O.F. Sertkaya. Ankara, 2003.
14. Sertkaya O.F. Göktürk Tarihinin Meseleleri. Ankara, 1995.
15. Tekin, Talat. Orhon Türkçesi Grameri. Ankara, 2000.

## 5A120104-МАТНШУНОСЛИК ВА АДАБИЙ МАНБАШУНОСЛИК

**Т у з у в ч и:** Қ.П. Содиқов - ТошДШИ Мумтоз филологияси кафедраси профессори, ф.ф.д.

**Т а қ р и з ч и л а р:** Р. Алимухамедов - ТошДШИ Мумтоз филологияси кафедраси мудири, ф.ф.д.

**Ж. Жўраев** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи катта илмий ходими, филология фанлари доктори.

### КИРИШ

Мазкур дастур Тошкент давлат шарқшунослик институти 5A120104 – Матншунослик ва адабий манбашунослик йўналиши бўйича таълим олаётган магистрларнинг мутахассислик фанларидан давлат аттестацияси дастуридир.

Тошкент давлат шарқшунослик институти қошида матншунослик ва адабий манбашунослик мутахассислиги бўйича магистратура очилган. Ушбу йўналишда шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз филологияси бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ўтмишдан қолган ёзма меросни ўрганишга эҳтиёж кучайган ҳозирги замонда мумтоз филология мутахассисларига талаб янада ошмоқда.

Ушбу соҳа мумтоз матнларни ўрганиш ва уларни нашрга тайёрлаш, мумтоз матнларнинг тил ўзгачаликлари, мумтоз асарларнинг бадиий хусусиятлари билан боғлиқ назарий масалаларни қамраб олади.

### Асосий қисм

Кириш. “Матншунослик ва адабий манбашунослик” тушунчаси ва унинг назарий асосланиши. Йўналишнинг ўрганиш доираси ва йўналишлари. Унинг бошқа фанлар билан алоқаси.

### Мумтоз матнларни ўрганиш ва уларни нашрга тайёрлаш билан боғлиқ назарий масалалар

Текстология ва унинг тармоқлари. Матн тузиш анъаналарининг юзага келиши ва тарихий тараққиёти. Матнни манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш.

Мумтоз матнларни нашрга тайёрлашнинг илмий принциплари. Асарни асл манбадан ўқиш ва уни ҳозирги ёзувларга ўгириш. Транскрипция ва илмий транслитерация. Уларнинг танланиш принциплари. Илмий-танқидий, йиғма матнлар тузиш йўллари. Илмий нашрларда матн тилини сақлаш. Оммавий нашр масаласи.

Матншуносликнинг ёрдамчи соҳалари. Сфрагистика. Эпиграфика. Нумизматика. Палеография. Классик матнларни ўрганишда бу соҳаларнинг тутган ўрни.

Классик матнни тавсифлаш усуллари. Қўлёзмаларни бирламчи ва монографик планда тавсифлаш.

### Мумтоз матнларнинг тил хусусиятлари билан боғлиқ назарий масалалар

Мумтоз матнларни ўрганиш методологияси. Мумтоз асарларни тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш. Матн тили ва унинг адабий тил тарихини ўрганишдаги ўрни. Матн тилини тарихий-қиёсий аспектда ўрганиш. Матн тилини ўрганишнинг назарий масалалари. Матн услуби масалалари. Тилшуносликда ва шарқшуносликда шакланган илғор метод ва усуллар. Улардан фойдаланишнинг оптимал йўли.

Асар қўлёзма нусхаларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш. Нусхалар ўртасида юзага келган текстологик фарқларни, матн тили билан боғлиқ юзага келган ўзгаришларни қўлёзма кўчирилган давр тили нуқтаи назаридан таҳлил қилиш.

Асарнинг тил ва услубий ўзгачаликларини белгиловчи бирликларни аниқлай билиш ва уларни таҳлил этиш. Асарнинг фонетик хусусиятлари билан боғлиқ масалалар. Асарнинг лексик-семантик хусусияти билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечими. Асарнинг морфологик ўзгачалиги билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечими. Асарнинг синтактик-стилистик хусусияти билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечими.

Классик матн тили ва ҳозирги жонли тиллар муносабати масаласи.

### **Мумтоз асарларнинг бадиий хусусиятлари билан боғлиқ назарий масалалар**

Бадиий матн тушунчаси. Матн поэтикаси. Поэтиканинг назарий масалалари. Классик тур ва жанрлар. Классик жанрларнинг ўтмишда қўлланилган атамалари. Ўтмиш адабиётшунослиги. Унинг метод ва ёндашувлари. Ҳозирги адабиётшунослик, унинг метод ва йўналишлари. Ҳозирги замон адабиётшунослигида классик матнларни ўрганиш билан боғлиқ ҳолда юзага келган назарий масалалар.

Ўтмишда яратилган бадиий асарларни тарихий даврлар нуқтаи назаридан ўрганиш. Адабиёт тарихини даврлаштириш масаласи.

Халқ оғзаки ижодининг энг эски намуналари, уларнинг манбалари. Халқ оғзаки ижоди жанрлари ва уларнинг назарий масалалари.

Ёзма адабиёт ва унинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ масалалар. Ёзма адабиётнинг классик босқичи. Классик адабиёт тушунчаси. Унинг муҳим белгилари.

Мумтоз адабиётни илк манбалар, асар қўлёзмалари, тарихий асарлар, тазкиралар, ўша даврларда яшаб ўтган олим ва шоирларнинг маълумотлари асосида ўрганиш.

Мумтоз матнларни жанр хусусиятларига кўра ўрганиш.

Девон тузиш анъаналари.

Шарқ адабиётида хамсачилик анъаналари.

Фалсафий дostonлар. Қаҳрамонлик дostonлари.

Адабиёт тарихида тазкирачилик анъаналари.

Тарихий-бадиий асарлар.

Эпистоляр жанр ва унинг бадиий ўзгачалиги.

Классик адабиётда анъанавийлик ва унинг назарий масалалари.

### **Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари**

1. Абдуллаев И. Мерос ва талқин. –Т.: Фан, 2008.
2. Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. – М. - Л., 1964. – 5 б.т.
3. Рейсер С.А. Основы текстологии. Учебное пособие, изд-е 2-е. – Ленинград: Просвещение, 1978. –176 стр.
4. Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. – М.: Просвещение, 1970.
5. Шамсиев П. Матншуносликка оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – 164 б.
6. Эйхенбаум В. Основы текстологии / Редактор и книга. Вып.3. – М., 1962. С.41-86
7. Эркинов А.С. Матншуносликка кириш. – Т.: Республика таълим маркази, 1997.
8. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик / Қисқача курс –Т.: ТошДШИ, 2000.
9. Ҳасаний М. Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фикриш. – Т.: ТошДШИ, 2004.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Алиев Р. Воля исследователя, и проблема метода составления критического текста // «Писменные памятники народов Востока». Ежегодник, 1968. – М., 1970. – С. 7–16. мм
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966.
3. Акимовский О.Ф. Вопросы восточной текстологии // Сов.восто-е. – М., 1988. – С. 82–89.
4. Акимовский О.Ф. Персидская рукописная книга // Рукописная книга в культуре народов Востока. Кн. 1. – М., 1987. – С. 330–407.

5. Большая энциклопедия: в 62 томах. – М.: Терра, 2006. – Т. 3. – С. 563–564.
6. Валк С. Н. Избранные труды по археографии: Научное наследие. СПб., 1991.
7. Гришунин А.Л. Источниковедение // Литературный энциклопедический словарь. – М., 1987. –С. 139–140.
8. Гришунин А.Л. Текстология // Краткая литературная энциклопедия. Том 7. – М. 1972. –С. 444–453.
9. Гришунин А.Л. –Текстология // Литературный энциклопедический словарь. – М., 1987. –С. 436–437.
10. Добрушкин Е. М. Основы археографии. –М., 1998.
11. Каштанов С. М. Актовая археография. –М., 1998.
12. Козлов В. П. Российская археография конца XVIII-первой половины XIX в. –М., 1999.
13. Литвак Б. Г. Археография и историческое исследование// Археографический ежегодник за 1992 г. –М., 1994. С. 3-10.
14. Покровский Н. Н. О принципах издания документов XX в.//Вопросы истории. 1999. № 6.
15. Сергеев А. А. Методология и техника публикации документов//Архивное дело. –М., 1932. Вып. 1-2.
16. Теория и практика источниковедения и археографии отечественной истории. Сборник статей. М., 1978.
17. Фирдавсий. Шахнаме. Критический текст. Т.І. – М., 1960, с.9.
18. Чирков С. В. К истории разработки правил издания исторических источников в начале XX в.//Археографический ежегодник за 1984.
19. Чирков С. В. К истории разработки правил издания исторических источников в начале XX в.//Археографический ежегодник за 1984. –М., 1986. С. 64-74.
20. Чугаев Д.А. Археография и источниковедение. –М., 1969.
21. Шилов А. А. Руководство по публикации документов XIX-начала XX вв. –М., 1939.
22. Ҳақимов М. Шарқ қўлёзмаларига доир терминларнинг қисқача изоҳли лўғати. Адабий мерос. 1985, № 2 (33)
23. Ҳамидова М. Нодир манбалар // Шарқ машъали, 1999, № 1-2. – Б.35.
24. Ҳамидова М.. Манбашуносликнинг баъзи масалалари. — «Шарқ машъали» ж-ли, 1999. Добрушкин Е. М. Основы археографии. –М., 1998.
25. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча–ўзбекча изоҳли лўғати. – Т.: Ўқитувчи. 1983.)

# 5A120201 – ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК, ЛИНГВИСТИК ТАРЖИМАШУНОСЛИК (шарқ тиллари)

**Тузувчилар:** Хамидов Х. – “Таржимашунослик” кафедраси мудири Усманова Ш. – “Таржимашунослик” кафедраси профессори.

**Тақризчи:** Омонов Қ. – ТошДШИ “Туркий тиллар” кафедраси профессори, ф.ф.д.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва давлат таълим стандартларида ҳар томонлама етук, салоҳиятли ва юқори малакали, рақобатбардош илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш алоҳида таъкидланган. Бунга хорижий тилларни пухта эгаллаш, жаҳон фан-техникаси, илмий технологиялари ютуқларини чуқур ўзлаштириш, илмий тадқиқотларнинг ижтимоий, иқтисодий самарадорлигини ошириш, уларда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш асосида эришилади.

5A120201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистратурада таҳсил олишга мўлжаллаб тузилган мазкур суҳбат-имтиҳони дастури талабгорнинг билим салоҳиятини аниқлаш учун зарур бўлган муҳим маълумотларни ўз ичига олади. Дастур куйидаги масалаларни қамраб олади:

1. Тилшунослик масалалари
2. Таржимашунослик масалалари
3. Амалий таржима (ўзбек тилидан ўрганилаётган шарқ тилига ҳамда ўрганилаётган шарқ тилидан ўзбек тилига матн таржимаси).

Ушбу дастур асосий хорижий тиллар сифатида ўқитилаётган асосий шарқ тилининг долзарб муаммолари, уларнинг структураси, тил яруслари хусусидаги маълумотларни қамраб олади. Шунингдек, республикамиздаги ижтимоий – маънавий ислохотлар натижаларининг таржимашунослик фани муаммолари ечимига бўлган таъсири масалалари ҳам қамраб олинади.

Тилшунослик ва таржимашунослик ҳақидаги билимлар уйғунлиги дастурнинг асосини ташкил қилади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

### Блок-1. Таржимашунослик масалалари

Таржима назарияси ва тарихи. Қадимий таржима мактаблари ва уларнинг фан, маданиятга қўшган ҳиссалари. Қадимий Туркистондаги таржимачилик ва унинг тараққиёти. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Бобур, Алишер Навоий ва бошқаларнинг таржимачиликка қўшган ҳиссалари. Ўзбек таржимашунослигининг ривожланиши.

Таржима ҳақида умумий тушунча. Таржимонлик касби, унинг мақсад ва вазифалари. Таржима турлари. Адекват таржима. Эркин таржима. Сўзма - сўз таржима. Маънолар таржимаси. Синхрон таржима. Машина таржимаси. Аслиятдан ва воситали тилдан таржима.

Таржиманинг тил муаммолари. Таржиманинг лисоний ва ғайрилисоний муаммолари. Асл нусха ва таржима ўртасидаги тавофутлар. Таржимада жинс категорияси.

Фразеологизмлар таржимасининг ўзига хос хусусиятлари. Фразеологизмлар ва уларнинг таснифи. Мақол, матал ва ибораларнинг ўзаро фарқи. Фразеологизмлар таржимасининг асосий принциплари. Таржимада компенсация.

Таржима ва миллий колорит. Тарихий, миллий ва маҳаллий колорит тушунчалари. Реалияларни таржима қилиш усуллари. Миллий колоритнинг таркибий қисмлари.

Таржимада “сохта эквивалент” тушунчаси. Узоқ тиллардан таржима. Бир тилдан иккинчисига – қардош ёки қардош бўлмаган тилга таржима қилиш. Яқин тиллардан таржима. Муайян тилнинг у ёки бу шеvasидан адабий тилга таржима қилиш.

Таржимада фуқционал услублар. Муаллиф услуби. Таржимон услуби. Асл нусха муаллифи услубини таржимада сақлаш. Услуб қатламлари.

Илмий таржима мураккабликлари. Илмий таржиманинг ўзига хос хусусиятлари. Илмий услуб ва таржима. Ҳозирги илмий асарлар таржимасининг ютуқлари ва камчиликлари. Терминология ва таржима. Сиёсий-ижтимоий матнлар таржимасининг ўзига хос жиҳатлари.

Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси. Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси масаласи. Фанда “тил-маданият” масаласининг ўрганилиши. Маданият ҳақидаги тасаввурларнинг тилда намоён бўлиш усуллари. Оламнинг лисоний манзараси. Оламнинг концептуал манзараси. Муқобилсиз лексика ва уни таржимада бериш йўллари.

## **Блок-2. Тилшунослик масалалари**

Тилшуносликнинг шаклланиши ва тараққиёти. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Тилнинг моҳияти. Тил – инсониятнинг энг муҳим алоқа воситаси. Фикр алмашинув (коммуникация) ва унинг асосий воситалари.

Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Тилларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг ривожланиш қонуниятлари. Тил тараққиётининг жамият тараққиёти билан муносабати. Тил системаси ва структураси. –

Тилларнинг типологик таснифи. Генетик типология. Тиллар оиласи тушунчаси. Қиёсий типология. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиёти. Ёзув ва унинг адабий тил тараққиётидаги ўрни. Ёзув турлари.

Асосий хориж тилни тадқиқ этишнинг асосий методлари ва методологияси масалалари, синтез ва анализ тушунчалари, компонент ва қиёсий таҳлил ҳамда характереологик таҳлил тушунчаларига изоҳ ва шунингдек, синхрон ва диахрон аспектдаги тадқиқотлар масалалари ва тадқиқ этиш усуллариининг тасниф ва тавсифлари ўргатилиниши назарда тутилган.

Ўрганилаётган тилнинг графикаси ва унинг асослари. Нутқ товушлари. Нутқ органлари ва артикуляция базаси. Ўрганилаётган тилнинг товуш тизими ва фонетик хусусиятлари. Ўрганилаётган тилда бўғин, товуш ва ҳарф, урғу масаласи.

Хорижий тилнинг фонетикаси ва фонологиясига оид қарашлар, унли ва ундошлар таснифи масалалари, асосий хорижий тилдаги фонетик ўзгаришлар турлари, уларнинг намоён бўлиш йўллари, олдфонология тамойилларига оид масалалар тадбиқ этилади.

Ўрганилаётган тилда сўз ясалишининг асосий турлари. Сўзларнинг маъно муносабатларига кўра турлари. Синонимлар. Омонимлар. Антонимлар. Неологизмлар. Фразеология.

Лексикология, луғатшунослик, стилистика тушунчалари, сўзнинг бош ва кўчма маънолари, маъно тараққиёт усуллари масалалари.

Стилистика, асосий шарқ тилининг стилистик жиҳатлари ўрганилади.

Атамашунослик доирасида эса, асосий шарқ тилидаги тилшунослик атамалари, атамашунослик тарихи, ҳозирги замон асосий шарқ тилида атамашунослик ҳолати тадқиқ этилади.

Асосий хорижий тилнинг морфемик ва морфологик белгилари, морфемика ва морфология тушунчалари, асосий хорижий тилдаги аффикслар спецификаси ва бу борадаги ёндашувлар.

Сўз туркумлариининг таснифлашдаги асосий ёндашувларнинг юзага келиш сабаблари ўрганилади. Улар турли хил илмий асарларга асосланган ҳолда тадбиқ этилади.

